

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КИМ ОКСАНА ВЛАДИСЛАВОВНА**

**ЎТКИР ГЕМАТОГЕН ОСТЕОМИЕЛИТГА ЧАЛИНГАН  
БОЛАЛАРДА СУЯК КОЛЛАГЕНИ БИОМАРКЕРЛАРИНИ  
АНИҚЛАШНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

**14.00.25- Клиник-лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ким Оксана Владиславовна**

Ўткир гематоген остеомиелитга чалинган  
болаларда суяк коллагени биомаркерларини  
аниқлашнинг клиник диагностик аҳамияти..... 3

**Ким Оксана Владиславовна**

Клиники-диагностическое значение  
определения биомаркеров костного коллагена  
при остром гематогенном остеомиелите у детей..... 25

**Kim Oksana Vladislavovna**

Clinical and diagnostic significance of bone  
collagen biomarkers in acute hematogenous  
osteomyelitis in children..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КИМ ОКСАНА ВЛАДИСЛАВОВНА**

**ЎТКИР ГЕМАТОГЕН ОСТЕОМИЕЛИТГА ЧАЛИНГАН**  
**БОЛАЛАРДА СУЯК КОЛЛАГЕНИ БИОМАРКЕРЛАРИНИ**  
**АНИҚЛАШНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

**14.00.25- Клиник-лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2024.2.PhD/Tib4669 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган

**Илмий раҳбар:**

**Юсупов Шухрат Абдурасулович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент.

**Расмий оппонентлар:**

**Муминова Нигора Хайрутдиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент.

**Эмануэл Владимир Леонидович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

**Етакчи ташкилот:**

**Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро**  
**давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta.2005@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2025 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Н. Арипов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг автореферати)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда ўткир гематоген остеомиелит (ЎГО) болалар ортопедияси ва юқумли касалликлар тиббиётининг жиддий муаммоси бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, болалар орасида ҳар йили остеомиелит билан касалланиш минтақа, ёш ва тиббий хизмат кўрсатиш даражасига қараб 100 000 аҳолига 2 дан 13 тагача ўзгариб туради. Хасталикнинг энг кенг тарқалиши паст ва ўрта даромадли мамлакатларда кузатилади, уларда эрта ташхис қўйиш ва антибиотик терапиясидан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги касалликнинг асоратли шаклларининг кўпайишига олиб келади. Суяк коллагенининг биомаркерлари болаларда суякларнинг яллиғланиш касалликларини ташхислаш ва мониторинг қилишда янги ва истиқболли воситадир. Улар суяк тўқимасидаги патологик ўзгаришларни эрта аниқлаш, даволаш самарадорлигини объектив баҳолаш ва касаллик оқибатини башоратлаш имконини беради.

Жаҳонда ЎГО патогенези ва ташхислашнинг замонавий усулларини ўрганишга, шу жумладан суяк метаболизмнинг янги биомаркерларини яратиш ва жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Йирик клиник тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, анъанавий лаборатория таҳлилларини (С-реактив оксил, эритроцитларнинг чўкиш тезлиги) специфик биомаркерлар даражасини ўлчаш билан бирга қўллаш ЎГО ташхислашнинг сезгирлиги ва ўзига хослигини оширишга имкон беради. Бунда PINP/ $\beta$ -CrossLaps (PINP -1 тип проколлагеннинг аминокислотли пропептиди,  $\beta$ -CrossLaps -1 тип коллагеннинг карбокситерминал телопептиди) нисбатини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, улар коллаген синтези ва резорбцияси ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади ва ўтказилаётган терапия самарадорлигининг асосий кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Республикамиз соғлиқни сақлаш тизими олдида аҳолига тиббий хизмат сифатини ошириш, жумладан, кўрсатилаётган хизматларни халқаро стандартларга мослаштиришга қаратилган қатор устувор вазифалар турибди. Кенг қўламли комплекс тадбирлар мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, тиббий-ижтимоий хизматларнинг кенг қамровлилиги ва оммабоплигини таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш вазифаларини ҳал этиш мақсадида ўтказилмоқда. Шу билан бирга, тиббиёт ходимлари томонидан остеомиелит касалланган беморларга сифатли ёрдам кўрсатишни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шундан келиб чиқиб, УГО эрта аниқлаш ҳамда жараённинг оғирлашиш хавфини баҳолаш ёндашувларини такомиллаштириш унда асоратлар ва ногиронликни олдини олиш имконини беради. Мамлакатимизда болаларда ЎГОни ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, бу ихтисослаштирилган педиатрия ортопедия ва юқумли касалликлар марказларини ривожлантиришда ўз аксини топмоқда.

Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПФ-4063-сонли "Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-4891-сонли "Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПҚ- 5924-сонли "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 15 апрелдаги 345-сонли "Болаларда ўткир гематоген остеомиелитни ташхислаш ва даволаш бўйича клиник протоколни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи;

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. "Тиббиёт, неврология ва спорт фани" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Болаларда ЎГО ўрганиш ва баҳолаш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг долзарблиги касалликнинг мураккаблиги, асоратларнинг юқори хавфи ва даволашнинг сезиларли харажатлари билан боғлиқ. Дунёда ЎГО патогенези, диагностикаси ва терапиясига катта эътибор қаратилмоқда, чунки юқорида таъкидлаганимиздек болалар ўртасида йиллик касалланиш 100 000 беморга 2 дан 13 гача ҳолатни ташкил қилади (Smith J., 2019; World Health Organization, 2021). Эрта ташхис қўйиш ва адекват антибиотик терапиясига монанд фойдаланиш имконияти чекланган ҳудудларда асоратланган шакллар (йирингли окмалар, сурункали остеомиелит) сони 40% га етади (Johnson A. et al., 2020; EurOBM, 2021). Европа тадқиқотлари (Johnson A. et al., 2020; Chen Y. et al 2022) P/V индексдан (PINP нинг  $\beta$ -CrossLaps га нисбати) фойдаланиш антибиотик терапияси самарадорлигини башорат қилишни яхшилашни ва жарроҳлик аралашувларига бўлган эҳтиёжни 25 фоизга камайтиришини кўрсатди.

Белоруссияда Т.В. Шульга (2020) сурункали касаллик хавфини башорат қилиш учун  $\beta$ -CrossLaps мониторингининг самарадорлигини кўрсатди: стандарт терапия негизида  $\beta$ -CrossLaps даражаси юқори бўлган болаларда касалликнинг сурункали шаклининг ривожланиш хавфи кўрсаткич меъёрда бўлганларга қараганда 2,3 барабар юқорилиги аниқланган.

2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Болалар ортопедияси миллий маркази базасида мониторинг тадқиқотлари олиб борилмоқда, улар уч йил ичида 14 ёшгача бўлган болаларда ЎГОнинг асоратланган шакллари сонининг 18% дан 27% гача ўсишини кўрсатди (Турсунов Ш., 2022; А.О.Элмурзаев, 2023). Шамсиев Ж.А., Махмудов З.М., Аббасов Х.Х. ва Қобилов И.С.лар (2024) СамДТУ болалар жарроҳлик клиникасига ётқизилган 150 нафар беморларда устида олиб борган тадқиқотларида мултидисциплинар ёндашувнинг юқори самарадорлигини тасдиқладилар. Хусусан комбинацияланган терапияга (антибиотик терапия + жарроҳлик аралашуви) олинган болаларнинг 75 фоизида инфекцияни сурункали шаклига ўтказмасдан соғайишига эришилди. Самарқанд давлат тиббиёт университетида Атакулов

Ж.О., Юсупов Ш.А., Байжигитов Н.И. ва Боймуродов Н.С. (2022) тадқиқотлари шуни кўрсатдики, МРТ (магнит-резонансли томография) ва КТ (компьютерли томография)ни текширувларини эрта қўллаш касалхонага ётқизилгандан кейин ташхис қўйишнинг ўртача муддатини 2-3 кунгача қисқартиришга имкон берди, бу эса асоратлар сонини 15% га камайтирди.

Жаҳонда болаларда ЎГО эрта ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари ўрганишга қаратилган кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу ишлар яллиғланиш жараёни динамикасида суяк метаболизми биомаркерлари (PINP,  $\beta$ -CrossLaps, СТХ-I (I тип коллагеннинг C терминал телопептиди)) ва иммун жавоб реакцияси (C-реактив оқсил, IL-6) ролини таҳлил қилишни, шунингдек, касалликнинг оғирлигига таъсир қилувчи генетик полиморфизмларни баҳолашни ўз ичига олади. Шу билан бирга, остеобластларнинг эпигенетик модификациялари ва остеокластларнинг функционал ҳолати ўртасидаги боғлиқлик ЎГОнинг сурункали босқичга ўтишини қандай белгилаши етарлича ўрганилмаган. Суякларнинг субклиник яллиғланишининг боланинг ўсиши ва таянч-ҳаракат функциясига узоқ муддатли таъсири масаласи очик қолмоқда.

Бизнинг шароитимизда терапияни индивидуаллаштиришни мувофиқлаштириш учун беморларнинг клиник маълумотлари ва молекуляр маркерларини бирлаштирадиган интеграл алгоритмни ишлаб чиқиш зарур. Бундай тадқиқотларни ўтказиш нафақат ЎГОни ташхислаш аниқлигини ошириш, балки асоратланган шакллари сонини камайтириш, жарроҳлик аралашувларини минималлаштириш ва ёш беморлар учун касаллик оқибатини яхшилаш имконини беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт ҳамда унинг хузуридаги Реабилитация ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 012000260-сонли "Инсоннинг юқумли ва юқумли бўлмаган этиологияли ижтимоий аҳамиятга эга касалликларини олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш" (2019) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** болаларда ўткир остеомиелитни эрта аниқлаш ва жарроҳлик даволаш самарадорлигида суяк коллаген алмашинуви маҳсулотларининг биомаркерларнинг диагностик аҳамиятини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўткир остеомиелит билан оғриган болаларда суяк метаболизми кўрсаткичлари - умумий кальций, фосфатлар ва ишқорий фосфатазанинг таҳлилини ўтказиш;

ўткир остеомиелит билан оғриган болаларда касалликнинг намоён бўлиш муддатларига қараб ва жарроҳлик даволашдан кейинги узоқ даврда қонда суяк коллагени синтези I тип биомаркерини (PINP) миқдорий баҳолаш;

ўткир остеомиелит билан оғриган болаларда жарроҳлик даволашдан кейинги узоқ муддатли даврда қонда суяк коллагени парчаланиши I тип биомаркерининг ( $\beta$ -CrossLaps) концентрациясини аниқлаш;

ўткир остеомиелит билан оғриган болаларда биологик намуналарда I тип проколлагеннинг аминотерминал пропептиди (PINP) ва I тип коллагеннинг

карбокситерминал телопептиди ( $\beta$ -CrossLaps) концентрацияларини комплекс миқдорий таҳлил қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш;

ўткир гематоген остеомиелит билан оғриган болаларда жарроҳлик даволашдан кейинги асоратлар ривожланиш хавфини баҳолаш учун I типдаги суяк коллагени синтези ва парчаланиши кўрсаткичларининг прогностик аҳамиятини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 2020-2023 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт университети 2-клиникасининг жарроҳлик бўлимида ўткир остеомиелит ташхиси билан текширувдан ўтган ва даволанган янги туғилган чақалоқлар ва 19 ёшгача бўлган болалар маълумотлари олинган.

**Тадқиқот предмети** болаларда ўткир остеомиелитни эрта ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш самарадорлигини баҳолаш учун суяк метаболизми кўрсаткичлари, жумладан суяк коллагенининг синтези ва парчаланиши биомаркерлари олинган.

**Тадқиқот усуллари:** умумий клиник, рентгенологик, биокимёвий, иммунофермент, шунингдек, математик статистика усуллар фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ўткир гематоген остеомиелит билан оғриган болаларда йирингли-деструктив асоратлар ривожланиши ва яллиғланиш жараёнининг сурункали кечиши хавфи юқори бўлган суяк метаболизми биомаркерлари (PINP ва  $\beta$ -CrossLaps) даражасининг юқори чегара қийматлари аниқланган;

ўткир гематоген остеомиелит билан оғриган болаларда суяк метаболизми биомаркерлари (PINP ва  $\beta$ -CrossLaps) даражаларини динамикада кузатиш яллиғланиш жараёнининг сурункали кечиши, суяк деформацияларининг шаклланиши ва узок муддатли асоратларнинг ривожланиш хавфи юқори бўлган беморлар гуруҳларини ўз вақтида аниқлаш имконини бериши асосланган;

жадал скелет ўсиши билан тавсифланган ўткир гематоген остеомиелитли ўсмирларда суяк резорбциясининг яққол бузилиши ва остеоген фаолликнинг пасайиши чўзилувчан яллиғланиш ва қолдиқ суяк деформациялари шаклланиши хавфини сезиларли даражада ошириши аниқланган;

ўткир гематоген остеомиелит билан оғриган болаларда суяк ва минераллар алмашинуви биомаркерларининг комплекс ва динамик назоратини қўллаш хавфларни объектив табақалаштириш, жарроҳлик аралашуви ва тикланиш чора-тадбирлари тамойилларини индивидуаллаштириш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

суяк метаболизмининг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда болаларда ўткир гематоген остеомиелитни эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигини динамик назорат қилиш учун унинг биомаркерларидан (PINP ва  $\beta$ -CrossLaps) фойдаланиш асосланган;

PINP ва  $\beta$ -CrossLaps чегаравий қийматларидан фойдаланиш асоратлар ривожланиши бўйича хавф гуруҳларини ажратиш имконини бериши аниқланган, бу эса даволаш ва реабилитация тадбирларини шахсийлаштиришни таъминлайди ва беморларни олиб бориш тамойилларини ўз вақтида тузатиш имконини беради;

даволашнинг турли босқичларида биомаркерларни босқичма-босқич аниқлашни ўз ичига олган болалар остеомиелитининг лаборатор мониторинги алгоритми ишлаб чиқилган ва жорий этилган, бу остеогенез ва суяк тўқимаси резорбцияси жараёнларини объектив баҳолашга ёрдам беради ва тиббий ёрдам сифатини оширади;

касаллик оқибатларини башорат қилиш ва яллиғланиш жараёнининг сурункали кечиши ҳамда деформациялар шаклланишининг олдини олиш учун суяк алмашинуви кўрсаткичларини клиник-лаборатор маълумотлар билан биргаликда комплекс баҳолаш зарурлиги асосланган;

диагностика алгоритмининг бир қисми сифатида PINP ва  $\beta$ -CrossLaps мунтазам мониторингини жорий этиш даволаш самарадорлигини ошириш, реабилитация муддатларини қисқартириш, шунингдек, ўткир остеомиелит билан касалланган болаларда салбий оқибатлар ривожланиш эҳтимолини камайтириш имконини беради.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** куйидагилар билан таъминланади: болаларда ўткир остеомиелитда суяк тўқимаси ремоделланишининг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг метаболизми динамикасини ўрганишга назарий жиҳатдан асосланган ёндашувларни қўллаш; замонавий клиник, лаборатор, биокимёвий ва инструментал тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда, жумладан PINP ва  $\beta$ -CrossLaps биомаркерлари даражасини, минерал алмашинув кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда касалликнинг клиник кечишини баҳолаш; тадқиқотни тузишнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, кузатувнинг турли муддатларида беморларнинг ҳолатини босқичма-босқич назорат қилиш, шунингдек, лаборатория ўлчовларини синчковлик билан стандартлаштириш; олинган натижаларнинг статистик аҳамиятини ва остеомиелит кечишининг ёшга боғлиқ хусусиятларини таҳлил қилиш имкониятини таъминлайдиган клиник материалнинг етарли ҳажми; Олинган маълумотларни болалар ортопедияси, травматологияси ва суяк тўқимаси биокимёси соҳасидаги етакчи маҳаллий ҳамда хорижий тадқиқотлар натижалари билан таққослаш ҳулосаларнинг репрезентативлиги ва холислигини тасдиқлайди. Суяк алмашинуви биомаркерлари динамикаси асосида ўткир остеомиелит билан оғриган болаларда асоратлар хавфини башорат қилишга кўшимча равишда ишлаб чиқилган инновацион ёндашув ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишни шахсийлаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини асослайди.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўткир гематоген остеомиелит билан оғриган болаларда суяк метаболизми жараёнларининг ёшга боғлиқ хусусиятларини I тип коллаген синтези ва парчаланиш фаоллигини акс эттирувчи PINP ва  $\beta$ -CrossLaps биомаркерлари даражасининг динамик таҳлили асосида аниқланганлиги билан изоҳланади. Бу касалликнинг асоратли кечишини ташхислаш, даволаш ва башорат қилишга индивидуал ёндашувнинг назарий асосланганлигини тасдиқлайди, бу эса терапия самарадорлигини ошириш ва салбий оқибатларнинг олдини олиш учун беморларнинг метаболик хусусиятларини ҳисобга олишга имкон билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўткир гематоген остеомиелит билан оғриган болаларни суяк метаболизмининг ёш

хусусиятларини ва PINP ва  $\beta$ -CrossLaps биомаркерларининг лаборатория кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда шахсийлаштирилган даволаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги ва жорий этиш учун таклиф этилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижалари асоратлар хавфини эрта аниқлаш ва даволаш тамойилларини мувофиқлаштириш учун суяк метаболизми ҳолатини динамик мониторинг қилиш алгоритминини шифокорларнинг амалий фаолиятига жорий этишни ўз ичига олади. ЎГО ва деформацияларнинг сурункали шаклланиши хавфини баҳолаш учун биомаркерларнинг чегаравий қийматларини ўрнатиш орқали остеогенез ва суяк резорбцияси фазаларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал реабилитация қилиш ҳамда жарроҳлик даволашдан кейин болаларнинг йил давомида лаборатория мониторингини жорий этиш бўйича тавсиялар таклиф этилган, бу эса болалар шифохоналари ва ортопедик бўлимларда суяк алмашинуви ҳолатини скрининг назоратини ташкил этиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда ўткир остеомиелитни эрта аниқлаш ва жарроҳлик даволаш самарадорлигини баҳолаш учун биомаркерлар сифатида суяк коллаген метаболизми маҳсулотларининг диагностик аҳамиятини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик. илк бор ўткир гематоген остеомиелит билан касалланган болаларда йирингли-деструктив асоратлар ривожланиши ва яллиғланиш жараёнининг сурункали кечиши хавфи юқори бўлган суяк метаболизми биомаркерлари (PINP ва  $\beta$ -CrossLaps) даражасининг критик чегара қийматлари аниқланганлиги Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 19.05.2025 йилдаги 87-сонли ва Сурхандарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 20.05.2025 йилдаги 87-Т-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 07 июлдаги 21/38 сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: болаларда ўткир гематоген остеомиелитда йирингли-деструктив асоратлар ривожланишининг юқори хавфи ва яллиғланиш жараёнининг сурункали кечиши билан боғлиқ суяк метаболизми биомаркерларининг (PINP ва  $\beta$ -CrossLaps) критик чегара қийматларининг ўрнатилган диапазони муҳим амалий аҳамиятга эга. Иқтисодий самарадорлиги: ўткир гематоген остеомиелит билан оғриган беморларнинг 30-40% да касалхонада ётиш муддатини ўртача 5-7 кунга қисқартириш ва қиммат жарроҳлик аралашувларини олдини олиш имконини беради. Хулоса: Олинган маълумотлар нафақат касалликнинг эрта босқичларида ташхис қўйиш ва башорат қилишни объективлаштириш, балки ногиронликка олиб келадиган оқибатларнинг шаклланиш эҳтимолини камайтирган ҳолда даволаш ва реабилитация тактикасини ўз вақтида тузатиш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: ўткир гематоген остеомиелит билан оғриган болаларда суяк метаболизми биомаркерлари (PINP ва  $\beta$ -CrossLaps) даражаларини динамикада кузатиш яллиғланиш жараёнининг сурункалига ўтиш, суяк деформацияларининг шаклланиши узок муддатли асоратларнинг ривожланиш хавфи юқори бўлган беморлар гуруҳларини ўз вақтида аниқлаш имконини бериши асосланганлиги Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 19.05.2025 йилдаги 87-сонли ва Сурхандарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 20.05.2025 йилдаги 87-Т-сонли буйруқлари билан

амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 07 июлдаги 21/38 сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ўткир гематоген остеомиелит билан оғриган болаларда суяк метаболизми биомаркерларини (PINP ва  $\beta$ -CrossLaps) динамик назорат қилишни жорий этиш хавф гуруҳидаги беморларни эрта аниқлашга ёрдам беради, ногиронликнинг олдини олиш, реабилитация муддатларини қисқартириш ва болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, уларнинг тўлиқ ижтимоий мослашуви ва функционал фаоллигини сақлаб қолишни таъминлайди. Иқтисодий самарадорлиги: PINP ва  $\beta$ -CrossLaps биомаркерлари мониторингини қўллаш касалхонада даволаниш муддатини қисқартириш, қиммат жарроҳлик даволаш ва узоқ муддатли реабилитацияга бўлган эҳтиёжни камайтириш имконини беради. Хулоса: ўткир гематоген остеомиелит билан оғриган болаларда яллиғланишнинг сурункалига ўтиш хавфини эрта аниқлаш ва суяк деформацияларини шакллантириш учун PINP ва  $\beta$ -CrossLaps даражаларини динамик мониторинг қилиш муҳимлигини тасдиқлайди. Бу эса касаллик кечишини аниқроқ прогнозлаш ва даволаш тактикасини ўз вақтида коррекциялаш имконини беради, болалик даврида оғир асоратлар ва ногиронлик ривожланиш эҳтимолини камайтиради.

учинчи илмий янгилик: ўткир гематоген остеомиелит билан оғриган ўсмирларда скелетнинг интенсив ўсиши билан тавсифланган суяк резорбциясининг яққол бузилиши ва остеоген фаолликнинг пасайиши узоқ муддатли яллиғланиш ва қолдиқ суяк деформацияларининг шаклланиши хавфини сезиларли даражада ошириши аниқланганлиги Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 19.05.2025 йилдаги 87-сонли ва Сурхандарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 20.05.2025 йилдаги 87-Т-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 07 июлдаги 21/38 сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ўткир гематоген остеомиелит билан касалланган ўсмирларда суяк резорбциясининг бузилишини эрта босқичда аниқлаш қолдиқ деформациялар ривожланишининг олдини олиш ва қиммат жарроҳлик аралашувини ўтказиш заруратини олдини олиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: Реабилитация билан жарроҳлик даволаш усулларини бирга олиб борилиши шифохонага ётқизиш, операциялар, дори-дармонлар, ортопедик тузатиш ва тиклашни ўз ичига олувчи харажатларни камайтириш имконини беради. Хулоса: ўткир гематоген остеомиелитда ўсмирларда скелетнинг интенсив ўсиши ва суяк метаболизмининг бузилиши ўртасидаги патогенетик боғлиқлик аниқланди, бу эса қолдиқ суяк деформацияларининг олдини олиш учун диагностика, прогнозлаш ва даволаш-реабилитация чора-тадбирларини индивидуаллаштиришда ёш хусусиятларини асосли равишда ҳисобга олиш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: ўткир гематоген остеомиелит билан оғриган болаларда суяк ва минераллар алмашинуви биомаркерларининг комплекс ва динамик назоратини қўллаш хавфларни объектив табақалаштириш, жарроҳлик аралашуви ва тикланиш чора-тадбирлари тамойилларини индивидуаллаштириш асосланганлиги Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 19.05.2025 йилдаги 87-сонли ва Сурхандарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 20.05.2025 йилдаги 87-Т-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги

Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 07 июлдаги 21/38 сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: болаларда ўткир гематоген остеомиелитда йирингли-деструктив асоратлар ривожланишининг юқори хавфи ва яллиғланиш жараёнининг сурункали кечиши билан боғлиқ суяк метаболизми биомаркерларининг динамик мониторингини қўллашнинг мақсадга мувофиқ. Иқтисодий самарадорлиги биомаркерлар мониторингини қўллаш касалхонада даволаниш муддатини қисқартириш, қиммат жарроҳлик даволаш ва узок муддатли реабилитацияга бўлган эҳтиёжни камайтириш имконини беради. Хулоса: ўткир гематоген остеомиелит билан оғриган болаларда хавфларни аниқ табақалаштириш ва даволаш-реабилитация тактикасини шахсийлаштириш учун суяк ва минераллар алмашинуви биомаркерларининг комплекс динамик мониторингини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги илмий асосланган, бу эса даволашнинг жарроҳлик ва реабилитация босқичлари самарадорлигини сезиларли даражада оширади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 халқаро ва 2 республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Олинган натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та журнал мақолалари, жумладан, 8 та республика ва 2 та чет эл журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг **тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 113 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган. Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти, шунингдек, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши очиб берилган. Тадқиқот мавзуси бўйича нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Ўткир гематоген остеомиелитнинг клиник жиҳатлари (адабиётлар шарҳи)"** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили ўтказилган, муаммонинг замонавий ҳолати ўрганилган ва болаларда ЎГОда суяк тўқимасининг клиник-лаборатор кўринишлари, патогенези, морфофункционал ўзгаришлари, касалликнинг ёшга боғлиқ кечиш хусусиятлари, жараённинг жойлашуви ва беморнинг иммун статуси ҳақида тўлиқ илмий-амалий маълумотлар келтирилган. Шунингдек, асоратларнинг тарқалиши ва тузилиши, яллиғланишнинг сурункали кечиши учун хавф омиллари, оқибатларни башорат қилишда генетик ва биокимёвий белгиларнинг роли, ўткир гематоген остеомиелит билан оғриган болаларни

ташхислаш, даволаш ҳамда тиббий реабилитациясига замонавий ёндашувлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **"Тадқиқот материали ва усуллари**нинг умумий тавсифи (тадқиқот материали ва усуллари)" тадқиқот материални ташкил этган ўрганилаётган контингентнинг хусусиятлари тавсифланган ва ушбу иш давомида қўлланилган усуллар ҳақида батафсил маълумот берилган. Тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университетининг ихтисослаштирилган болалар хирургияси клиникаси базасида ўтказилган ва клиник тасдиқланган ўткир гематоген остеомиелит билан касалланган янги туғилган чақалоқлар ва 19 ёшгача бўлган 128 нафар болани қамраб олган. Улардан 80 нафар бемор ретроспектив таҳлил қилинган, 48 нафари 2020-2023 йиллар давомида проспектив текширилди. Барча беморларга жарроҳлик йўли билан даволаш ўтказилди.: йирингли ўчоқ санацияси, игна-шуруплар ўрнатиш билан остеоперфорация, куймич косаси томининг дренажловчи остеоперфорацияси ёки артротомия. Беморларни тақсимлаш физиологик ривожланиш босқичларини акс эттирувчи ёш гуруҳлари бўйича амалга оширилди (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Беморларни ёш гуруҳлари бўйича тақсимлаш**

Ёш гуруҳи	Таҳлил (128 бемор)		Жами сони (%)
	Ўрганилган касаллик тарихлари асосида ретроспектив	Ҳақиқий кузатув маълумотларига кўра	
	%	%	
0-28 кун	5	16,7	9,4
1-11 ой	10	16,7	12,5
1-4 ёш	20	16,7	18,8
5-9 ёш	25	16,7	21,9
10-14 ёш	25	16,7	21,9
15-19 ёш	15	16,7	14,1
Жами	100	100	100

Ҳолатни баҳолаш уч босқичда амалга оширилди: қабул пайтида, операциядан кейинги 7-кун ва узоқ муддатли даврда (7 ой). Назорат гуруҳи сифатида 48 нафар соғлом болалардан фойдаланилди.

Тадқиқот яллиғланиш ва суяк биомаркерларини, шу жумладан PINP ва  $\beta$ -CrossLaps (2-жадвал) ни баҳолаш билан клиник-лаборатор диагностика усуллари ўз ичига олган. Барча босқичлар ахлоқий меъёрларга риоя қилган ва хабардор қилинган розиликни олган ҳолда амалга оширилди. Лаборатория тадқиқотлари Самарқанд давлат тиббиёт университети ихтисослаштирилган болалар хирургияси клиникасининг клиник-лаборатор диагностика бўлимида ўтказилди.

## Лаборатор текшириш усуллари

Кўрсаткич	Мақсад	Методика	Ускуналар	Натижа
Умумий қон таҳлили	Яллиғланиш фаоллигини, тизимли яллиғланишни баҳолаш	Қон ЭДТА ли пробиркага.	Автоматик гема тологик анализатор SYSMEX XN-350, ЭЧТ анализатор HUMASED 20	Лейкоцит лар, формула нинг силжи ши, ЭЧТ
CRP (С-реактив оксил)	Ўткир яллиғланишни аниқлаш	Турбидиметрия	Mindray BS 240	мг/л
<b>Суяк метаболизмини ўрганиш</b>				
<i>Минерал алмашинуви кўрсаткичлари</i>				
Кальций (Са)	Минерал алмашинув, остеобластик фаоллик	Колориметрик усул	Биокимёвий анализатор	ммол/л
Фосфор (Р)	Суяк тўқимасининг минераллашуви	Спектрофотометрик усул	Биокимёвий анализатор	ммол/л
Ишқорий фосфатаза (ИФ)	Остеобластик фаоллик	Кинетик усул	Биокимёвий анализатор	Бирл/л

**Иммунофермент таҳлили (ИФТ)**

Кўрсаткич	Мақсад	Методика	Ускуналар	Натижа
PINP I тип суяк коллагени синтези биомаркёри	Суяк синтезини баҳолаш (остеогенез)	Моноклонал антитаналар билан ИФТ, 450 нм да ўлчанган	Иммунофермент анализатор Mindray MR 96A(XXP)	нг/мл -фаол остеогенезда ошиши
β-CrossLaps I тип суяк коллагенининг парчаланиш биомаркёри	Суяк резорбциясини баҳолаш	ИФТ, 450 нм да оптик зичликни ўлчаш	Иммунофермент анализатори Mindray MR 96A (XXP)	нг/мл - фаол резорбция пайтида кўтарилиш

Маълумотларни статистик қайта ишлаш SPSS 13.0 ва Statistica 8.0 дастурлари ёрдамида амалга оширилди. Тақсимотнинг меъёрдалигини текшириш Шапиро-Уилк мезони бўйича амалга оширилди. Меъёрий тақсимотдан оғиш ҳолатида параметрик бўлмаган Манн-Уитни U-мезони ва Уилкоксон тести қўлланилди. Меъёрий тақсимотда Студентнинг t-мезонидан фойдаланилди. Корреляцион таҳлил учун Спирмен коэффициентини қўлланилди. Динамикадаги параметрлар фарқларини баҳолаш дисперсион таҳлил (ANOVA) усули ёрдамида амалга оширилди. Фарқлар  $p \leq 0,05$  бўлганда статистик жиҳатдан аҳамиятли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг **"Болаларда ўткир гематоген остеомиелитда яллиғланиш ва гемопоэтик кўрсаткичларни комплекс баҳолаш"** деб

**номланган** учинчи бобида диагностика, яллиғланиш жараёнининг оғирлигини баҳолаш ва ўтказилаётган терапиянинг самарадорлигини баҳолашда асосий компонент сифатида лаборатория мониторингининг аҳамияти асосланган. Лейкоцитлар, нейтрофиллар, С-реактив оксил даражасининг динамик таҳлили, шунингдек, эритропоэз, шу жумладан гемоглобин ва гематокрит кўрсаткичлари келтирилган. Клиник натижаларни аниқлашда алоҳида маркерлар ва уларнинг комбинацияларининг прогностик қиймати кўрсатилган, шунингдек, кузатувнинг турли босқичларида назорат ва асосий гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланган.

### 3-жадвал

#### Ўткир гематоген остеомиелит билан оғриган болаларда ок кон таначалари (WBC) даражасининг ёшга ва кузатув муддатларига қараб динамикаси

Гуруҳлар	НГ (M±m)	Қабул қилинган дан кейин 1 кун (M±m)	Операция дан кейин 7 кун (M±m)	Операция дан кейин 7 ой (M±m)	p1.	p2.	p3.
0-28 кун	10,4±0,5	15,4±1,2.	12,4±1,0	9,8±0,5	0,001	0,050	0,010
1-11 ой	9,6±0,4	14,0±1,1	10,6±0,5	8,8±0,4	0,002	0,080	0,015
1-4 ёш	8,4±0,4	13,5±0,9	9,5±0,5	7,8±0,4	0,001	0,075	0,020
5-9 ёш	7,7±0,4	13,0±1,0	8,7±0,4	7,3±0,3	0,004	0,050	0,012
10-14 ёш	7,0±0,3	12,5±0,8	8,2±0,4	6,9±0,3	0,001	0,045	0,010
15-19 ёш	6,8±0,3	12,0±0,9	7,7±0,4	6,5±0,3	0,003	0,060	0,015

*Изоҳ:* Фарқлар ишончилиги (p-value) қуйидаги вақт нуқталари орасидаги мустақил танланмалар учун Студентнинг t-мезони бўйича ҳисоблаб чиқилган: p 1 (1 кун vs 7 ой) - қабул қилингандан кейинги 1-кун ва операциядан кейинги 7-ойда WBC даражаси ўртасидаги фарқлар ишончилиги; p 2 (назорат vs 7 ой) - соғлом болалар гуруҳи (назорат) ва операциядан кейинги 7-ойда худди шу болалар ўртасидаги фарқлар ишончилиги; p 3 (7-кун vs. 7 ой) - операциядан кейинги 7-кун ва операциядан кейинги 7-ойда WBC даражаси ўртасидаги фарқлар ишончилиги


WBC даражасининг динамикаси (4-жадвал) ўткир даврда сезиларли ўсишни кўрсатади (1-кун  $12,8 \pm 0,6 \times 10^9/\text{л}$ , 7-кун -  $11,2 \pm 0,5 \times 10^9/\text{л}$  ( $p_1 < 0,05$ ), кейинчалик 7-ойга келиб пасайиш -  $7,1 \pm 0,3 \times 10^9/\text{л}$  ( $p_3 < 0,05$ ), бу назоратга яқинлашади -  $6,9 \pm 0,2 \times 10^9/\text{л}$  ( $p_2 < 0,05$ ). Энг яққол фарқлар кичик ёш гуруҳларидаги болаларда қайд этилди. 7-ойга келиб WBC нинг меъёрлашиши яллиғланишнинг тўхташи ва даволаш самарадорлигини акс эттиради.

Агар WBC даражаси 7-куни  $11-13 \times 10^9/\text{л}$  дан юқори бўлиб қолса, бу оқмалар, секвестрлар ва сурункали кечиш хавфини кўрсатиши мумкин. 7-ойга келиб лейкоцитлар меъёрлашувининг кечикиши ҳам қўшимча кузатув ва текширувни талаб қилади.

Даволашнинг турли босқичларида ўткир гематоген остеомиелит билан касалланган болаларда гемоглобин даражаси

Гуруҳлар	НГ (M±m)	Қабул қилинган дан кейин 1 кун (M±m)	Операциядан кейинги 7-кун (M±m)	Операциядан кейин 7 ой (M±m)	р. 1.	р. 2.	р. 3.
0-28 кун	167.2±1.1.	149,9 ± 1,4.	145,3 ± 1,8	153,9 ± 1,3.	0,051	0,000	0,001
1-11 ой	131.0 ± 1.2	119.8±2.1.	113,5 ± 1,6	124,1 ± 1,1;	0,097	0,000	0,000
1-4 ёш	123,9 ± 1,3.	110,5 ± 1,2	107,7 ± 1,6	118.1±2.2.	0,009	0,038	0,001
5-9 ёш	118,4 ± 1,8	104,3 ± 1,0	102,8 ± 1,4.	111,2 ± 1,1	0,000	0,004	0,000
10-14 ёш	113,7 ± 1,4.	99,8 ± 1,4.	99,6 ± 1,5	104,5 ± 2,1	0,072	0,002	0,074
15-19 ёш	136,0 ± 1,1	120.7 ± 1.9.	119.8 ± 1.7.	125,0 ± 1,8	0,114	0,000	0.049

Гемоглобин динамикаси (4-жадвал, 1-расм) унинг ўткир даврда пасайишини кўрсатади: 1-кун -  $101,3 \pm 2,8$  г/л, 7-кун -  $104,5 \pm 2,6$  г/л ( $p_1 < 0,05$ ) назоратга нисбатан  $120,7 \pm 2,1$  г/л ( $p_2 < 0,05$ ). 7-ойга келиб, унинг даражаси қисман  $113,9 \pm 2,4$  г/л гача тикланди, аммо меъёрдан пастлигича қолди ( $p_3 < 0,05$ ). Энг яққол пасайиш 1-11 ойлик ва 5-9 ёшли болаларда қайд этилди. Гемоглобин пасайиши  $>10\%$  бўлган беморларда 7-куни сурункали шаклланиш частотаси минимал ўзгаришларда ( $p = 0,002$ )  $12,5\%$  га нисбатан  $27,8\%$  ни ташкил этди. Кўрсаткич яллиғланиш анемиясини акс эттиради ва остеомиелит оғирлигининг прогностик мезони бўлиб хизмат қилиши мумкин(1-расм).




1-расм. Операциядан кейин 7 ой давомида гемоглобиннинг тикланиш динамикаси

**Тадқиқотнинг турли босқичларида ўткир гематоген остеомиелитда  
гематокрит даражасининг динамикаси**

Ёш	Назорат гуруҳи	Қабул қилингани дан кейин 1 кун	Операция дан 7 кун ўтгач	Операция дан кейин 1 ой	p1	p2	p3
0-28 кун	55,2 ± 1,5.	48.1 ± 1.2	45.5 ± 1.0	50.3 ± 1.1	0,002	0,005	0,010
1-11 ой	40.5 ± 1.2	35,8 ± 1,1	33,6 ± 1,0	37,9 ± 1,2	0,003	0,008	0,012
1-4 ёш	39.0 ± 1.1	34,2 ± 1,0;	32,0 ± 0,9	36,0 ± 1,0	0,004	0,010	0,015
5-9 ёш	38.0 ± 1.0	33.0 ± 0.9	30.8 ± 0.8	35.2 ± 1.0.	0,002	0,007	0,011
10-14 ёш	37,5 ± 0,9	32.5 ± 0.8	30.0 ± 0.7	34.0 ± 0.9	0,005	0,009	0,014
15-19 ёш	41,0 ± 1,0	36,2 ± 0,9	34.0 ± 0.8	38.5 ± 1.0	0,003	0,006	0,010

Гематокрит динамикаси (5-жадвал) касалликнинг ўткир даврида барча ёш гуруҳларида кўрсаткичнинг ишончли пасайишини кўрсатди. Энг яққол пасайиш 5-9 ёшли болаларда - 18,9% ( $p_2 = 0,007$ ) ва 10-14 ёшли болаларда - 20% ( $p_2 = 0,009$ ) назоратга нисбатан кузатилди. Янги туғилган чақалоқларда (0-28 кун) ва 1-11 ойлик болаларда пасайиш тахминан 12-17% ни ташкил этди ( $p_1, p_2 < 0,01$ ). Бир ойдан сўнг гематокритнинг барча гуруҳларда 10-14% га ишончли ошиши кузатилди ( $p_3 < 0,05$ ), бу яллиғланиш жараёни тўхтатилгандан кейин эритропоэзнинг тикланиш тенденциясини акс эттиради.

Ўткир даврда (7-кун) (2-расм) яққол яллиғланиш жавоби сақланиб қолди: таёқча ядроли нейтрофиллар - 8-12%, меъёрда 3-5% ( $p < 0,01$ ), сегмент ядроли -  $\approx 65\%$ , лимфоцитлар 22% гача камайган ( $p < 0,05$ ). 1-2 ойдан сўнг сезиларли яхшиланиш кузатилган: таёқча ядроли хужайралар 8% гача камайган ( $p < 0,05$ ), лимфоцитлар 22- 25% гача кўпайган ( $p < 0,05$ ), аммо 19% болаларда чапга силжиш сақланиб қолган. 7-ойга келиб, беморларнинг 72% да кўрсаткичлар нормаллашган (таёқча ядроли - 5%, сегмент ядроли - 60%, лимфоцитлар -  $\approx 35\%$ ,  $p > 0,05$ ). Бирок, 13,2% ҳолатда қолдиқ яллиғланиш белгилари сақланиб қолди (лейкоцитоз  $10-12 \times 10^9/л$ ,  $p < 0,05$ ), бу ЎГО да яллиғланиш жараёнининг чўзилган ёки субклиник кечишини кўрсатади, бу эса касалликнинг сурункали кечишининг олдини олиш учун узок муддатли кузатув ва яллиғланишга қарши терапияни тузатишни талаб қилади.



**2-расм. Ўткир гематоген остеомиелит билан касалланган болаларда таёқча ядроли нейтрофиллар ва лимфоцитларнинг ўзгариш динамикаси**

**6-жадвал.**

**Кузатувнинг турли муддатларида ўткир гематоген остеомиелит билан касалланган болаларда эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (ЭЧТ) даражасининг динамикаси**

Гуруҳ	НГ (соғлом болалар)	Қабул қилинганидан кейин 1 кун	Операциядан кейин 7 кун	Операциядан кейин 1 ой	p1	p2	p3 ой)
0-28 кун	5,2±0,5	28,1±2,2	24,5±1,8	12,3±1,1	0,002	0,005	0,010
1-11 ой	7,5±0,6	35,8±2,5	30,6±2,0	15,9±1,3	0,003	0,008	0,012
1-4 ёш	8,0±0,5	40,2±2,8	34,0±2,2	18,4±1,5	0,004	0,010	0,015
5-9 ёш	8,5±0,5	38,0±2,6	32,5±2,0	17,0±1,3	0,002	0,007	0,011
10-14 ёш	9,0±0,6	35,5±2,4	30,0±2,1	16,5±1,4	0,005	0,009	0,014

Барча ёш гуруҳларида ўткир даврда ЭЧТнинг сезиларли даражада ошиши қайд этилди: 1-куни 28-40 мм/соатдан, назорат гуруҳида эса 5-10 мм/соатгача ( $p_1, p_2 < 0,01$ ). 1 ойга келиб, кўрсаткич 12-18 мм/соатгача пасайди ( $p_3 < 0,05$ ), бу терапиянинг ижобий динамикаси ва самарадорлигини акс эттиради. Энг яққол кўтарилиш 1-4 ёшли болаларда кузатилди, уларда ЭЧТ 5 мартадан кўпроқ ошди, бу касалликнинг ўткир даврида яллиғланиш жараёнининг юқори фаоллигини англатади ва ЭЧТнинг остеомиелит динамикасининг сезгир маркери сифатидаги диагностик қийматини тасдиқлайди. 1 ойга келиб кўрсаткичнинг аста-секин пасайиши яллиғланишнинг тўхташи ва ўтказилган даволашнинг самарадорлигидан далолат беради.

**7-жадвал.**


**Ўткир гематоген остеомиелит билан оғриган болаларда даволашнинг турли муддатларида С-реактив оксил (СРО) даражасининг динамикаси (мг/л)**

Ёш гуруҳи	Келган куни	Операциядан кейинги 7-кун	Операциядан кейинги 7-ой	p1	p2	p3
0-28 кун	98,3±12,5	32,6±8,4	4,7±1,2	<0,001	<0,001	<0,001
1-11 ой	87,4±10,3	29,5±7,8	4,2±1,0	<0,001	<0,001	<0,001
1-4 ёш	75,8±9,1	24,3±6,5	3,9±0,9	<0,001	<0,001	<0,001
5-9 ёш	69,5±8,7	20,8±5,9	3,5±0,8	<0,001	<0,001	<0,001
10-14 ёш	63,4±7,9	18,4±5,3	3,2±0,7	<0,001	<0,001	<0,001
15-19 ёш	60,7±7,3	16,1±4,8	2,9±0,6	<0,001	<0,001	<0,001

*Изоҳ:* Жадвалда ўткир гематоген остеомиелит билан оғриган болаларда турли кузатув даврларида (қабул қилинган куни, операциядан кейинги 7-кун ва 7 ойдан кейин) С-реактив оксил (СРО, мг/л) даражасининг динамикаси акс этирилган. Ўртача қийматлар ± стандарт оғиш, келтирилган. Барча ёш гуруҳларида даволаш фонида СРОнинг сезиларли пасайиши қайд этилди (Манна-Уитни тести бўйича  $p < 0,001$ ), бу ўтказилган терапиянинг самарадорлигини тасдиқлайди.

СРО даражаси (7-жадвал) даволашнинг барча босқичларида сезиларли даражада камайди: 7-куни  $98,3 \pm 12,5$  мг/л дан (0-28 кун)  $32,6 \pm 8,4$  мг/л гача ва 7 ойдан кейин  $4,7 \pm 1,2$  мг/л ( $p < 0,001$ ). Шунга ўхшаш динамика барча ёш гуруҳларида қайд этилган - 10-20 мартадан кўпроқ пасайиш ( $p < 0,001$ ), бу терапия самарадорлиги ва яллиғланишни бартараф этишни акс эттиради.

